O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 10 февраль, № 28 (3573) Пайшанба





*Республика Давлат болалар кутубхонасининг бугунги кунда 12 минг нафар ўқувчиси бор. Бу ерда яратилган қулай шарт-шароит, шинам ўқув хоналарида болажонлар ўзлари учун керакли барча адабиётлардан фойдаланадилар.*

## КИТОБ ТУТГАН БОЛАЛАР

— Болаларда китобга нисбатан муҳаббат уйғотишда масканимизда ташкил этилган 8 та шўъбада бирмунча ишлар амалга оширилмоқда, — дейди кутубхонанинг етакчи мутахассиси Хосият Каримова. — Мактаб ёшигача бўлган, ҳатто 4-5 ёшли ўқувчиларимиз ҳам бор. Улар учун алоҳида хона ажратганмиз. Уни болаларнинг ёшига муносиб китоблар, эртак қаҳрамонлари акс этган қўғирчоқлар ва ўйинчоқлар, расмлар билан жиҳозлаганмиз. Ушбу қўлланмалар асосида ходимларимиз нафақат кутубхонамизда, балки болалар боғчаларида, меҳрибонлик уйларида алоҳида машғулотлар олиб боришади.

Ҳукуматимиз томонидан 2003 йилда кутубхонага 120 миллион сўм пул ажратилди. Кутубхона биноси таъмирланиб, ташқи ва ички кўриниши, моддий-техника базаси тубдан яхшиланди. Болаларнинг қизиқишини янада орттириш мақсадида "Шум бола" видеоклуби ташкил қилингани эса, айниқса, мақтовга лойиқдир. Бу клубда фарзандларимиз руҳига мос турли фильмлар кўришлари, эртак қаҳрамонлари билан мультфильмлар орқали юзлашишлари мумкин. 11 та компьютер қўйилган хона ҳам болалар ихтиёрида. У ерда болажонлар дастлабки компьютер сабоғини бепул олишлари, интернет тармоғи билан боғланиб, истаган адабиётлари билан танишишлари, қизиққан маълумотларига эга бўлишлари мумкин.

**Саид МУҚИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: кутубхонадан лавҳалар. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

## БУЮК НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ

***Халқимизнинг миллий ғурури ва ифтихорига айланган Алишер Навоийнинг бой маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишдек хайрли ишлар мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг доимий эътиборида. Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида Ватанимиздаги улкан бунёдкорлик ишлари пойтахтимиздаги буюк бобомиз номи билан аталувчи миллий боғнинг барпо этилишидан бошланганида ҳам катта рамзий маъно бор.***

9 февраль куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Эрталаб бу ерга адиблар, талаба-ёшлар, шаҳар жамоатчилиги, пойтахтимиз меҳмонлари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари ташриф буюрдилар. Улар улуғ мутафаккирнинг маҳобатли ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйдилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов Алишер Навоий номини элимиз асрлар оша қалб гавҳари янглиғ асраб-авайлаб келаётганини таъкидлади. Мустақиллик йилларида буюк бобомизнинг бой маънавий меросини ўрганишдек хайрли ишга давлат даражасида аҳамият берилмоқда. Жумладан, улуғ алломанинг асарлари жамланган йигирма жилдли тўплам тўлиқ нашрдан чиқиб, китобхонлар қўлига етиб боргани бунинг яққол далилидир.

Бугунги кунда беназир шоир ижодий меросига эътибор нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам тобора ортиб бораётир. Алишер Навоий асарлари турли тилларда нашр этилаётгани, Япония, Россия каби давлатларнинг пойтахтида буюк бобомизнинг ҳайкали қад ростлагани шундан далолатдир.



Маросимда навоийшунос олим, академик А.Қаюмов, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ю.Кусумото, Ўзбекистон халқ шоири А.Файнберг ва бошқалар шоирнинг ўлмас ижодий мероси асрлар оша одамларни эзгуликка чорлаб келаётганини қайд этдилар. Навоий шеърларидан намуналар янгради.



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Шу куни пойтахтимиздаги "Шоирлар хиёбони", Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи, кутубхоналар ва маданият саройларида Навоийхонлик кечалари, илмий анжуманлар, мушоиралар бўлиб ўтди.

Алишер Навоий ижодига бағишланган илмий, маърифий-бадиий тадбирлар бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда!

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: тантанадан лавҳалар. Муҳаммад АМИН олган суратлар.**

### Самарқандда Навоий ҳайкали

Самарқанднинг энг сўлим гўшаларидан бири — марказий истироҳат боғига ғазал мулкининг султони, улуғ мутафаккир Алишер Навоий номи берилди. Боғ ёнидаги асосий кўча ҳам Навоий номи билан аталадиган бўлди.

Тўлиқ қайта таъмирланган боғ марказида буюк шоирнинг салобатли ҳайкали қад ростлади. Ҳайкалнинг очилиш маросимида навоийшунос олимлар шаҳар жамоатчилик вакиллари, ўқувчи ва талабалар қатнашдилар.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими М. Нурмуродов иштирок этди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Фахримиз ва ифтихоримиз

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликда улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг адабий ва илмий меросини ўрганиш масалаларига бағишланган анъанавий илмий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда адабиётшунос олимлар Навоийнинг бугунги ўзбек адабиёти ва маънавий ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида гапирдилар. Тил ва адабиёт институти шоирнинг 20 жилдлик мукаммал асарлар тўпламини нашр этганлиги улуғ бобомизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромнинг рамзи сифатида эътироф этилди.

**М. ЮСУПОВ.**

## Ўзбек курашининг Европадаги шиддати

*Буюк Британияда ўзбек кураши бўйича «Ислом Каримов» анъанавий халқаро турнири якунланди*

Беш йилдан буён анъанавий ўтказиб келинаётган мазкур мусобақага бу сафар Ситтингборн шаҳри мезбонлик қилди. Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида Ситтингборн шаҳри расмий вакиллари, Халқаро Кураш Ассоциацияси президенти К. Юсупов, Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчиси Т.Рисқиев ва бошқалар сўзга чиқиб, анъанавий "Ислом Каримов" халқаро турнири миллий қадриятимиз бўлган ўзбек курашини дунёда оммалашувида асосий омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидладилар. Халқаро турнирда Буюк Британия, Молдова, Ўзбекистон, Словакия, Эрон каби ўндан ортиқ давлатдан юз нафардан зиёд полвон ғолиблик учун гиламга чиқди.

Қизғин ва муросасиз беллашувлар якунига кўра, ўсмирлар ўртасида мезбонлар вакиллари Ашлей Жордан, Бен Френкс, Панчо Вейтерс, Сэм Миллер, Даниель Вебб, Бен Ньюберри, Рован Куллен, Таня Ньюмен, Террина Даниельс, Меган Харлоулар шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олдилар.

Ёшлар ўртасида эса мамлакатимиз полвонларига тенг келадиган топилмади. Ҳамюртларимиздан Хуршид Саматов, Олим Равшанов, Юсуф Тўлаганов, Искандар Ҳайдаров ҳамда Жасур Нормуродов мусобақанинг олтин медалларини қўлга киритдилар.

Катталар ўртасидаги мусобақалар ҳам қизғин курашларга бой бўлди. Эркаклар ўртасида мезбонлардан Жек Веб, Жон Кларк, Крис Лонгман, шунингдек, ўзбекистонликлардан Темур Эшқурбонов, Зариф Бозоров, Шокир Тўраевлар биринчи ўринни эгалладилар.

Хотин-қизлар беллашувлари фақат мутлақ вазн тоифасида ўтди.

Унда ҳамюртимиз Дилшода Ҳазратова ғалаба қозонди.

Фахрийлар иштирокидаги баҳсларда Буюк Британия курашчилари — Жейсон Ален, Жеймс Вейз ҳамда Роб Холденлар ўз вазн тоифаларида муваффақият қозонишди.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Жойлардан хабарлар

### Ҳамкорликнинг мақсади — сифат

«2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»га мувофиқ бу йил Андижонда 91 та мактаб жорий ва капитал таъмирланиши керак. Айни пайтда аксарият мактабларда таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган.

Бажарилаётган ишларнинг сифати барчанинг эътиборида. Айниқса, лойиҳачи-буюртмачи-пудратчи ҳамкорлиги таъмирлаш ишларида қўл келмоқда. «Андижонэлектроаппарат» ҳиссадорлик жамиятининг электр жиҳозлари, Андижон шаҳридаги «Компен» фирмасининг металл ва пластик эшиклари, Хўжаободдаги «Мундуз», «Боғишамол», Андижон туманидаги ПГС корхонаси томонидан таклиф этилган қурилишбоп ғиштлар қурувчиларга ҳам, халқ таълими ходимларига ҳам бирдек маъқул бўлмоқда.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ҳашар йўли билан

Дойсун-Дуоба қишлоқлари ўртасидан ўттиз бир километрлик тупроқ йўл ва Қайроқсой устида кўприк йўқлиги узоқ йиллардан буён «Дуоба» ширкат хўжалиги аҳолисини қийнаб келарди.

Ўтган йили «Дуоба» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Юсуф Рабиев сойга кўприк қуриш ташаббуси билан чиқди. Бу ташаббус нафақат дуобаликлар, балки Бойсун туман ҳокимлиги томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Ҳамма кўнглидан чиқариб, кучи етганча маблағ қўшди. Ҳатто асли дуобалик, ҳозирда турли шаҳарларда истиқомат қиладиганлар ҳам ҳашардан четда қолишмади.

Яқинда узунлиги 42, эни 4,5 метрлик кўприк қуриб битказилди. Уни қуришга 25 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, 31 километрлик тупроқ йўлга ҳам шағал ётқизилди.

**И. АҲМЕДОВ.**

*Футбол*

### Мағлубиятга тенг дуранг

Кеча Тошкентдаги "Пахтакор" марказий стадионида 2006 йил Германияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати иккинчи босқич саралаш учрашуви бўлиб ўтди. Унда Осиё қитъаси "А" гуруҳида қатнашаётган Ўзбекистон ва Саудия Арабистони терма жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Ўйин тугашига саноқли дақиқалар қолганида меҳмонлар ҳужумчиси Сами Ал Жабр дарвозага гол киритиб, футболчиларимизни доғда қолдирди. Ҳакам томонидан қўшиб берилган уч дақиқа ичида Владимир Шишелов ўрнига заҳирадан майдонга тушган Анваржон Солиев ҳисобни тенглаштирганда, ишқибозларимиз "хайрият" дея олишди, холос.

Умид қиламизки, сафарда Кувайт терма жамоасига қарши ўтказиладиган учрашувда вакилларимиз биз кутган ўйинни намойиш этади.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**



## Жаҳон 24 соат ичида

### Тинчлик битими имзоланди

***Мисрда Ариэль Шарон ва Маҳмуд Аббос ўртасида бўлиб ўтган учрашув чоғида икки томонлама зўравонликларни тўхтатиш тўғрисида ўзаро келишувга эришилди.***



***Исроил ва Фаластин етакчилари тўрт йиллик муддатга тинчлик битимини имзоладилар. Бироқ, Фаластиннинг «ХАМАС» ва «Ислом жиҳоди» ҳарбийлашган қуролли гуруҳлари ушбу келишувни тан олмасликларини билдиришди.***

***Саммитдан сўнг Фаластин ташқи ишлар вазири Набил Шаат радикал гуруҳлар билан музокаралар ўтказиш учун Сурияга жўнаб кетди.***

### Шахтада ёнғин

***Кемерово вилоятининг Новокузнецк шаҳридаги «Есаульская» кўмир шахтасида кучли портлаш рўй берди. Кейин эса кучли ёнғин бошланди. Сўнгги хабарларда айтилишича, ҳалок бўлганлар сони 17 нафарга етган. Бундан ташқари, яна етти кишининг тақдири ҳамон номаълумлигича қолмоқда.***

***Мудҳиш воқеа юз берган пайтда шахтада 30-37 нафар шахтёр ишлаётган бўлиши тахмин қилинмоқда. Кемерово вилоят губернатори Аман Тулиевнинг таъкидлашича, мазкур фожиадан жабр кўрган оилаларга товон пули берилади.***

### Грузиянинг янги бош вазири

***Грузия президенти Михаил Саакашвили собиқ молия вазири Зураб Ногаиделини мамлакат бош вазири этиб тайинлади. Бугун Зураб Ногаиделининг бош вазир сифатида парламент томонидан тасдиқланиши кутилаяпти. Кузатувчиларнинг таъкидлашларича, Зураб Ногаидели Саакашвилининг энг яқин сафдошларидан бири ҳисобланади.***

### Гаровдагилар озодликда

***Якшанба куни Бағдодда гаровга олинган мисрлик тўрт нафар инженер Америка ҳарбийлари томонидан озод қилинди. Улар Orascom Telecom уяли алоқа компанияси ходимларидир. Компания раҳбарининг айтишича, АҚШ бўлинмалари шубҳали уйни қамал қилиб, у ердан гаровдагиларни озод қилишган.***

*Мустақил халқ — бунёдкор халқ*



***Бугунги кунда сув омборларининг халқ хўжалигидаги аҳамиятини ҳеч ким инкор эта олмайди. Улар мўл-кўлчилик асоси эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.***



# «Резаксой» сув омбори



*Шу боис 2003 йил 30 ноябрда Чуст туманида янги «Резаксой» сув омбори қурилиши бошланган эди. Ўтган даврда бош пудратчи — «Тўпалангсув ГЭС қурилиши» масъулияти чекланган жамияти жамоаси томонидан бу ерда 12400927 минг сўм капитал маблағ ўзлаштирилиб, 11708153 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Айни кунларда эса ана шу йирик сув омбори тўғоннинг чап ва ўнг қирғоғида қазилма ишлари, шағалдан дамба кўтариш, тўғон ядросининг остини очиш, вақтинчалик сув ўтказиш канали барпо этиш ва бетон йўл қуриш юмушлари жадал олиб борилмоқда.*

*«Резаксой» сув омбори қурилиши бош муҳандиси Абдували Шариповнинг айтишича, унинг биринчи навбати белгиланган муддатдан икки ой аввал фойдаланишга топширилади.*

**СУРАТЛАРДА: бригада бошлиғи Эркин Одинаев; илғор қурувчилар Солижон Сатторов ва Зоиржон Абдувалиев иншоотни бунёд этишда иштирок этаётганидан мамнун.**

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

***Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида бўлиб ўтган давра суҳбати Марказий Осиёда трансчегаравий муаммолар ва экологик хавфсизлик масалаларига бағишланди. Анжуманда Тошкент шаҳри ва вилояти, Самарқанд, Фарғона, Қорақалпоғистондаги нодавлат-нотижорат ташкилотлари вакиллари, олимлар, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўзгидромет» маркази ва бошқа ташкилотлар мутахассислари, журналистлар иштирок этишди.***

# Табиатни асраш — саломатликни асрашдир

Эътироф этиш керак, минтақада атмосферанинг ифлосланиши, ирригация ва ичимлик сувлари сифатининг ёмонлашуви, чўлланишнинг жадаллашуви, саноат чиқиндиларининг кўпайиши билан боғлиқ муаммолар чуқурлашиб бормоқда. Шу боис ҳам сўнги пайтларда нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ўз чиқишларида жамоатчилик эътиборини ана шу муаммога қаратмоқдалар. Бу муаммоларнинг трансчегаравий томони минтақада жойлашган давлатлар ресурсларини жамлашни, жамиятнинг ҳамма қатламларини бирлаштирувини, уларни маҳаллий, миллий ва минтақавий даражадаги самарали ечимларга йўналтиришни талаб этади.

Хўжалик фаолиятининг экологик хавфсизлик, саноат чиқиндиларининг аҳоли соғлиғига таъсири, фуқароларнинг атроф-муҳит хавфсизлигига бўлган ҳақ-ҳуқуқи масалалари 2003-2004 йилларда жамоатчилик иштирокида ўтказилган конференцияларда, сув ресурслари ифлосланишига бағишланган давра суҳбати, радиоактив чиқиндилари туфайли пайдо бўлаётган хавф-хатарга ва Ўзбекистоннинг жанубий чегаралари яқинида алюминий ишлаб чиқаришни кенгайтириш туфайли пайдо бўлиши мумкин бўлган нохуш оқибатларга бағишланган учрашувларда бир неча бор муҳокама қилинди.

Шу мавзудаги давра суҳбатида иштирокчилардан Ю. Шодиметов («Экосан» ХТ), А. Кобзев («Hayot»), И. Домуллажонов («Экологик мусаффо Фарғона учун» ННТ), Г. Деушева («Зарафшон» ННТ) ва бошқа бир қатор ташкилотлар вакиллари аҳолининг яхши табиий муҳитга ҳақ-ҳуқуқи фақат бутун минтақа давлатлари манфаатини ҳисобга олиб давлатлараро келишувлар ва Халқаро конвенцияларнинг изчил бажарилиши таъминлангандагина мумкин бўлишини таъкидлашди. Минтақада экологик вазият кескинлашган бир пайтда трансмиллий компанияларнинг пухта асосланмаган режаларига давлат ва жамоат ташкилотларининг биргаликда муносабат бидиришларида фуқаролик институтларининг фаоллашуви муҳимдир. Анжуман иштирокчилари Тожикистон алюминий заводида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ғояси ташаббускорлари ва тарафдорларини лойиҳанинг экологик экспертизасини жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилишига чақирдилар.

Баҳс-мунозарали ўтган давра суҳбати сўнгида рангли металларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уни реконструкциялаш режалари ҳақида жамоатчиликни хабардор қилишга қаратилган мурожаат қабул қилинди.

**Саидрасул САНГИНОВ.**

Хабарлар оқимидан

## Совғалар топширилди

Кегайли туманидаги Халқобод шаҳарчасида муҳташам болалар спорт мажмуаси қурилган эди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мажмуага 5,2 миллион сўмлик жисмоний тарбия жиҳозларини тортиқ қилди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## «Нигоҳлар. Фикрлар»

Замонавий санъат марказида Ўзбекистон Бадиий академияси ижодий бирлашмасининг аъзоси Валентин Ермаковнинг «Нигоҳлар. Фикрлар» мавзуидаги фото кўргазмаси иш бошлади.

В. Ермаковнинг асли касби ўқитувчи, шу боис унинг суръатларида болаларга ўзгача меҳр яққол сезилади. Унинг асарларини бепарво томоша қилиб бўлмайди. Инсон тафаккурини мушоҳадага ундаб, ҳаётдан завқланиш ҳиссини уйғотади.

**М. ЮСУПОВ.**

## "Меҳригиё"нинг шифобахш чойлари

Учкўприк туманидаги "Меҳригиё" кичик корхонасида тайёрланаётган шифобахш маҳсулотлар юртдошларимизга яхши таниш. Айниқса, ўтган йилдан савдога чиқарилган "Ибн Сино" чойи кўпчиликка маъқул бўлди. У юрак ва жигар фаолиятини яхшилашга хизмат қилувчи ўттиз уч хил гиёҳдан тайёрланади.

Корхонада яна бир янги маҳсулот — "Кўкон чойи" ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу чой бўқоқ касаллигининг олдини олиш, асабни тинчлантириш, моддалар алмашинувини яхшилашга ёрдам беради.

**М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири.**

# Замин заргарлари

***Балиқчи туманидаги Улуғбек номли ширкат хўжалиги деҳқонлари ўтган йили буғдойдан 61, пахтадан эса 33 центнердан ҳосил олиб, «оқ олтин»нинг юз фоизини юқори навларга сотдилар. Бунинг эвазига ҳисоб рақамига 87 миллион сўм даромад тушган экан, бунда техника хизмати ҳам катта бўлганини таъкидлаб ўтиш жоиз.***

Довонга чиққан чўққини кўзлайди, дейдилар. Улуғбекликлар янги мавсумда ҳосилдорлиги юқори бўлган, толаси пишиқ «Оққўрғон-2» ғўза нави уруғини экишмоқчи. Шу мақсадда ҳозирдан экин-тикин ишларига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Механизаторлар таъмирлаш юмушларини ниҳоясига етказган бўлсалар, бир гуруҳ сувчилар 100 гектар шўрхок майдонга яхоб бериш учун пол олмоқдалар.

— Мураккаб шароитда деҳқончилик қиламиз, — дейди гидрогеология-мелиорация экспедицияси Балиқчи бўлимининг участка бошлиғи Илҳомжон Шарофиддинов. — Аввало, сизот сувларини қочириш талаб этилса, иккинчидан, ерларнинг шўрини ювиш учун бир неча марта яхоб беришимизга тўғри келади. 2400 гектардан ортиқ шўрланган еримиз мавжуд. Шундан 2000 гектарига декабрь-январь ойларида сув тарашимиз керак. Қолган ерлар икки марта сувга қондирилади. Ҳозирга қадар 110 гектардан зиёд майдонга пол олинди.

Ички ариқларни лойқадан тозалаш, сув йўлларини равонлаштириш каби юмушлар эса ҳашар йўли билан амалга оширилмоқда. Нафақат Улуғбек номли ширкат хўжалигида, балки «Бўстон», «Пахтакор» ва «Оролхон» ширкат хўжаликларида ҳам одамлар шу кеча-кундузда кетмон, белкурак кўтариб, ёппасига ариқ-зовурларни тартибга келтирмоқдалар. Улар учун иссиқ овқат ташкил этилган. Шу боис туман экинзорлари-

*Экин-тикин тараддуди*

дан 2500 гектарини сув билан таъминловчи «Оролхон-1» ариғи қисқа муддатда қўлдан чиқарилди.

— 400 километрлик ички зовурларимиз ҳам бор, — сўзида давом этади Илҳомжон. — Бундан ташқари, хўжаликлараро 459 километрлик зовурларимиз ҳам мавжуд. Саёзлашиб, сизот сувларини тортолмай қолган ирригация тармоқлари босқичма-босқич тартибга келтирилмоқда. Бу юмушга 10 та экскаватор ҳам жалб этилган.

Биз Охунбобоев номли ширкат хўжалигида бўлганимизда, экскаваторчи Умрзоқ Араббоевни иш устида учратдик.

— Кунига 100-110 метр зовурни ковлаяпман, — деди у. — Ҳозирга қадар ҳамкасбларим билан бирга 25 километрлик сув йўлини асли ҳолатига келтирдик.

Балиқчи туманида ўтган йили пахта мўл бўлди. Қайта ишловчиларга 38.393 тонна хомашё етказиб берилди. Ҳар гектар ердан 30-35 минг сўмдан соф фойда олинди.

Ўз тақдирини пахта билан боғлаган меҳнат аҳли қўлга киритилган ютуқларини, аввало, навларни тўғри танлаш, ғўза парвариши билан боғлиқ ҳар бир тадбирни обитобида ўтказишдан ташқари экинзорларни маҳаллий ўғитга тўйдириш, шўрни ювиш, сизот сувларини қочириш зараркунандаларга қарши кимёвий дорилар ишлатмасдан, фойдали ҳашаротларни қўллашга эътибор қаратаётганликлари билан боғламоқда.

«Пахтакор» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Долибой Олимов бу ҳақда шундай деди:

— 523 гектар ерда пахта етиштирамиз. Бурноғи йили барча майдонга кўсак қурти тушгани оқибатида шартнома режасини бажаролмай қолгандик. Бу бизга сабоқ бўлди. Шунинг учун бултур биолабораториямизни жонлантирдик. Дониёр деган йигитимиз ўргимчаккана, кўсак қуртига қирон келтирувчи ҳашаротларни вақтида тайёрлаб берди. Бирон сўмлик заҳарли модда сотиб олмадик. Фақат шунинг ҳисобига 17-18 миллион сўмни тежаб қолдик. Пахтани нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиб, шартнома режасини 130 фоизга бажардик. Унинг 115 фоизи юқори навларга сотилди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*МАҲАЛЛА:*

# ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ҳамда Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси бошқарувининг пленуми бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг 2004 йилдаги фаолияти якунларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси А.Гадойбоев "2004 йил — Меҳр ва мурувват йили" дастурининг изчил бажарилишида жамғарма ҳам ўзининг муносиб улушини қўшганини таъкидлади. Зеро, меҳр-оқибат, саховат, мурувват каби миллий қадриятларимиз азалдан айнан маҳаллада шаклланиб келган. Эзгу ишлар, тадбир ва ташаббусларни изчил амалга оширишда, одамларни савобли юмушларга сафарбар этишда маҳалла ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшаётир.

Маҳаллаларда осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, огоҳликка даъват этиш борасида оқсоқоллар, маҳалла посбонлари, ички ишлар хизматчилари билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган кўрик-танловлар илғор тажрибани оммалаштиришда айниқса самарали бўлди. Маҳаллаларда фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар аҳоли ўртасида кенг кўламда тушунтириш ишларини олиб бораётир.

Пленумда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастури доирасида амалга ошириладиган ишларга доир вазифалар белгилаб олинди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

# ТОМЧИДА ҚУЁШ АКСИ

*Тўйтепадаги металл конструкциялар заводига собиқ иттифоқ даврида пойдевор қўйилганди. Ўша кезлар у асосан четдан келтирилган хомашёлар ҳисобига ишларди. Шу боис шўро тузуми таназзулга юз тутгач, "Энди бу корхона ҳам тўхтаб қолади", деган миш-мишлар тарқалди. Ортда қолган давр эса бу гаплар мутлақо ноўринлигини кўрсатди. Жамоа аҳлининг изланувчанлиги, бозор иқтисодиёти талабларига мос иш юритиши натижасида Марказий Осиёда ягона ушбу корхона ўз мавқеини сақлаб қолди. Бугунга келиб эса улкан иншоотларни тиклашда, темир йўллар ва автомобиль йўлларида мураккаб тузилишли кўприклар бунёд этишда бениҳоя асқотадиган металл қурилмалар етказиб берувчи ноёб корхонага айланди.*

Заводда тайёрланган мукаммал конструкциялар авваллари "Тошкент" аэропорти, Тошкент Давлат цирки каби муҳташам кошоналарни қуришда ишлатилган бўлса, кейинчалик Олий Мажлис биноси, Юнусободдаги теннис корти сингари салобатли иморатларни тиклашда қўл келди. Ёки Хоразм вилоятининг Ҳазорасп ва Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманлари теграсида Амударё узра қурилган баҳайбат кўприкни олайлик. Бултур кўкламда фойдаланишга топширилган бу кўприкнинг узунлиги 660 метр бўлиб, поездлар ва автомобиллар ўтиши учун мўлжалланган. Унинг барпо этилиши мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этди. Бошқа республикалар ҳудудидан айланиб ўтиш билан боғлиқ қатор муаммо-ю машмашаларга узил-кесил барҳам берилди. Ноёб ва мураккаб меъморий иншоот сифатида тилга тушди. Томчида қуёш акс этганидек, Ўзбекистоннинг индустриал салоҳияти юксаклигини яна бир карра бутун дунёга кўрсатди.

Албатта, кўприкни барпо этиш жараёни осон кечмади. Кўплаб қийинчилик ва муаммоларни енгиб ўтишга тўғри келди. Унда "Тўйтепа металл конструкциялар заводи" очиқ акциядорлик жамияти аҳли ҳам фаол қатнашди. Корхона раҳбарлари, муҳандис-конструкторлари-ю пайвандчилари, чилангару йиғувчилари икки йил мобайнида тиним билмадилар. Барчаси ҳамжиҳатликда иш юритиб, улкан бунёдкорлик юмушларига мустаҳкам замин ҳозирладилар. Уларнинг ана шу фидокорона меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Жамоа сардори Омонулла Исломов республикамиз мустақиллигининг 12 йиллиги байрами арафасида "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими" унвони соҳиби бўлди. Кўприк фойдаланишга топширилган куни эса Юртбошимизнинг шахсий совғаси —"Матиз" автомобили билан мукофотланди.

Корхонанинг айни кунларда амалга ошираётган ишлари ҳам эътиборга сазовор. Масалан, унинг зиммасига Қўнғиротда қурилаётган сода заводи учун жами оғирлиги 600 тонналик металл қурилмалар етказиб бериш мажбурияти юклатилганди. Ҳозиргача бу буюртма деярли етмиш фоизга адо этилди, мустақиллигимизнинг 14 йиллиги нишонланадиган кунга қадар эса тўлиқ бажарилади.

*Ислоҳот чорраҳаларида*

Бултур корхона аҳли Тўйтепадаги Олим Аширов номли марказий стадион қошида ўртачирчиқликлар учун теннис корти қуриб беришганди. Эндиликда эса умумий лойиҳа қиймати 15 миллион сўмлик замонавий бассейн барпо этмоқдалар. Шунингдек, пойтахтимизнинг Юнусобод мавзесида чирой очаётган ёпиқ турдаги стадион учун зарур мураккаб металл қурилмалар тайёрлаб беришни ниҳоясига етказмоқдалар. Чирчиқ, Қарши ва Нукус шаҳарларидаги янги коллежлар бўйича тушган буюртмалар ҳам пешма-пеш адо этилмоқда. Бунда металлга сайқал берувчи дегрезчи усталар Эшмурод Раимқулов, Неъмат Саидқулов, пайвандчилардан Дмитрий Вервехин, Темур Маликов, Юрий Птушко, оддий ишчилардан Шомил Сайфуллин, Абдусамад Бадалов, Суннатилла Юнусов, бош конструктор Галина Домановаларнинг хизматлари катта, албатта.

Яқинда корхона ишчи-хизматчилари яна бир хайрли ишга қўл урдилар. Афғонистондан олинган буюртма асосида улуғ бобокалонимиз, ўзбек шеъриятининг султони Алишер Навоий ҳазратлари қабри узра тикланадиган гумбаз — ратонани яратдилар. Бу нодир қурилманинг оғирлиги 100 тонна атрофида. Энг муҳими, у шинамлиги ва кўркамлиги билан алоҳида ажралиб туради.

— Бизнинг келгуси иш режаларимиз ҳар қачонгидан салмоқли,— дейди жамоа сардори Омонулла Исломов. — Жумладан, жорий йил кузидан эътиборан "Тошгузар — Бойсун" йўналишидаги темир йўл ва автомобиль йўлларида жами тўққизта кўприк қурилиши юзасидан буюртмалар тайёрлашни бошлаб юбориш ниятидамиз. Бундан ташқари, "Ўзтелеком" компанияси буюртмасига кўра, республикамиз ҳудудида, маҳаллий ва чет эл алоқа корхоналари учун 6 та станция мачталарини тиклаб берамиз.

Ўзингиздан қолар гап йўқ, ҳар қандай корхона-ташкилотдаги меҳнат унумдорлиги, эзгу мақсадларнинг тўла-тўкис амалга ошиши кўп жиҳатдан ходимларга кўрсатиладиган ғамхўрликка, улар учун яратиб бериладиган шароит ва қулайликларга боғлиқ. "Тўйтепа металл конструкциялар заводи" очиқ акциядорлик жамияти раҳбарияти масаланинг бу жиҳатини доимий равишда эътиборда тутмоқда. Ана шу интилишларнинг самараси ўлароқ, ҳозир корхонанинг ўзида кундузги стационарга эга амбулатория, нархи арзонлаштирилган таомлар тайёрлайдиган 120 ўринли ошхона, эркаклар ва аёлларга мўлжалланган душхоналар, кутубхона, газета-журналлар дўкони ишлаб турибди. Шунингдек, "Тошкент денгизи"нинг сўлим соҳилида жойлашган сиҳатгоҳ ҳам узлуксиз хизматда. Завод ишчи-хизматчилари ўз оила аъзолари билан биргаликда бу ерда бўлиб, соғлиқларини тиклашлари, дам олиш кунларини кўнгилли ўтказишлари, корхона цехлариаро ўтказиладиган турли хил кўнгилочар тадбир ва танловларда, спорт мусобақаларида бемалол қатнашишлари мумкин.

Хуллас, завод аҳли ишда ҳам, кундалик турмушда ҳам бир-бирлари билан ҳамкор-ҳамнафас бўлиб яшамоқдалар. Бу ўз ўрнида муваффақиятлар гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

**Қурбон ЭШМАТОВ, "Халқ сўзи" мухбири, Маъмур БОЗОРАЛИЕВ, журналист.**

